

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО  
ҚОМУСИЙ ОЛИМ**

**ТОШКЕНТ-2004**



**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО  
ҚОМУСИЙ ОЛИМ**

Методик-библиографик қўлланма

**ТОШКЕНТ-2004**

**78.342**

**И 13**

Илмий- методик бўлим томонидан тайёрланди

Тузувчи: Ф.Рўзиева  
Мухаррир: Ҳ.Маматраимова  
Масъул мухаррир: А.Турсунов  
Матн терувчи: З.Джалилова

**И 13**

Абу Али ибн Сино комусий олим:  
Методик-библиогр. қўлланма /Тузувчи  
Ф.Рўзиева; Масъул мухаррир А.Турсунов.-Т.,  
2004.- 30 б.

Сарлавҳада Алишер Навоий  
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.

Буюк ватандошимиз, комусий олим Абу Али Ибн Сино ҳаёти ва ижодига бағишланган ушбу методик-библиографик қўлланмада алломанинг таржимаи холи, илмий мероси ва таъба-батдаги ютуқлари ҳақида баъзи фикрлар, шунингдек Абу Али Ибн Сино ҳаёти ва ижоди мавзуси бўйича кутубхоналарда ўтказилиши мумкин бўлган талбирлар туркуми ҳавола этилмоқда.

**ББК 78.342+72г (5У)**

**© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси**

*Китоблар бизни яхши жамият сари етаклайди, бизни барча замонларнинг буюк ағломалари билан таништиради*

*С.Смайлов*

Ибн Сино ўзининг кўп тармоқли маҳсулдор ижоди, бой мероси билан жаҳон маданияти тараққиётига катта ҳисса қўшган комусий олимдир.

Ватандошимиз буюк комусий олим Абу Али ибн Синонинг «Тиб конунлари» асари нафақат Шарқ, балки Оврўпо мамлакатларида ҳам кенг тарқалиб, қарийб XVIII асрга қадар ҳақимлар учун қундалиқ қўлланмага айланган.

Шайхур раис – донишмандлар устози номи билан шуҳрат қозонган табиб, шоир, комусий билим эгаси Ибн Сино мустақил мутолаа билан шуғулланиб, математика, астрономияни, физикани, араб ва форс тилларини пухта билиб олади. У олим бўлиш билан бирга истеъдодли адиб ҳам бўлган. Ибн Сино ўз қиссаларида мардликни тарғиб қилиб, мунофиқлик, сергаплик, ёлғончилик, ишёқмасликни, риёкор имомларнинг иккиюзламачиликларини фош этади. Ибн Сино кишиларни илм-фанни ўрганишга, касб-хунар эгаллашга даъват этади. Ибн Сино асарлари Ўрта Осиё халқлари педагогик қарашлари, фан тарихини ўрганишда ҳам энг муҳим сарчашмалар ҳисобланади.

Улуғ бобоқалонларимиздан қолган ноёб меросни асраб авайлаш, жамиятимиз келажаги бўлмиш ёшларнинг аждодлар руҳига ва миллий анъаналаримизга содиқ, юртпарвар, доно ва зукко қилиб тарбиялаш

хукумагимиз сиёсатининг устивор йўналишларидан биридир.

Бу сиёсат доирасида кутубхоналарда алломаларимиз ҳаёти, ижодий фаолияти кенг тарғиб қилинади.

Биз ушбу қўлланмада Абу Али ибн Сино ҳаёти ва ижодининг баъзи томонлари ҳақида қисқача фикр юритиб, олим меросини тарғиб қилиш борасида кутубхоналарда ўтказилиши мумкин бўлган баъзи тадбирлар туркумини бермоқдамиз.

Ибн Синонинг илмий меросини халкимизга етказишда кутубхоналарнинг ўрни бекиёс каттадир.

Барча турдаги кутубхоналар Ибн Сино илмий меросини тарғиб қилишда илмий-амалий конференция, китобхонлар конференциялари, давра суҳбатлари, адабиётлар кўргазмаси, оғзаки журналлар, беллашувлар, савол-жавоб кечалари сингари турли тадбирлардан фойдаланишлари мумкин.

### **Абу Али ибн Сино ҳаёти**

Ўрта Осиёнинг буюк қомусий олимларидан бири Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Али 980 йил август ойида ҳозирги Бухоро вилоятининг Пешку тумани яқинидаги Афшона қишлоғида туғилган. Унинг отаси Абдуллоҳ Балх шаҳридан бўлиб, Сомонийлар амири Нух ибн Мансур (967-997) даврида Бухорога кўчиб келган ва Хурмайсан қишлоғига молия амалдори этиб тайинланган. Шундан сўнг у бу ерда доимий яшаб Афшона қишлоғида Ситора исмли кизга уйланиб икки ўғил фарзанд кўради. Ўғилларининг каттаси Ҳусайн (ибн Сино), кенжаси Маҳмуд эди. Ҳусайн 5 ёшга киргач, оиласи билан Бухорога кўчиб келадилар ва у шу ерда ўқий бошлайди. 10 ёшга етганда

Ибн Сино Куръон ва адаб дарсларини тўла ўзлаштириб олади. Айни вақтда у ҳисоб ва алжабр билан ҳам шуғулланади, араб тили ва адабиётни мукамал эгаллайди. Ибн Синонинг илм соҳасидаги дастлабки устози Абу Абдуллох Нотилий бўлган. У Нотилий кўлида мантик, хандаса ва фалакиётни ўрганади ва баъзи фалсафий масалаларда устозидан ҳам ўзиб кетади. Устози унинг илмига юқори баҳо бериб, янада чуқурроқ илм олишни тайинлайди.

Абу Али тинмай мутолаа қилиб, турли илм соҳаларини ўзлаштиришга киришади. У мусиқа, оптика, кимё, фикҳ каби фанларни ўқийди, хусусан, табобатни севиб ўрганади ва бу илмда тез камол топа бошлайди.

Ибн Синонинг тиб илмида юксак маҳоратга эришишида бухоролик бир табиб Абу Мансур ал-Ҳасан ибн Нуҳ ал-Қумрийнинг хизмати катта бўлган. Ибн Сино ундан табобат дарсини олиб, бу илмнинг кўп сирларини ўрганади.

17 ёшида Ибн Сино Бухоро халқи орасида мохир табиб сифатида танилади. У ҳукмдор Нуҳ ибн Мансурни даволайди, эвазига сарой кутубхонасидан фойдаланишга изн сўрайди ва бу имкониятига эга бўлади. Сомонийлар кутубхонаси ўша даврда бутун Ўрта ва Яқин Шарқдаги энг катта ва бой кутубхоналардан бўлган. Ибн Сино бир неча йил давомида шу кутубхонада кечаю кундуз мутолаа билан машғул бўлиб, ўз даврининг энг ўқимишли, билим доираси кенг кишиларидан бирига айланади ва шу пайтдан бошлаб ўрта аср фалсафасини мустақил ўрганишга киришади. Абу Наср Форобийнинг «Метафизика»нинг максадлари ҳақидаги китобини ўқиб метафизикани ўзлаштиради.

Ибн Сино барча зарурий билимларни Бухорода олади. У илмий ижодни 18 ёшидан бошлайди. Нуҳ ибн

Мансурга атаб нафсоний кувватлар хакида рисола. «Уржуза» тиббий шеърӣ асари, ўз кўшниси ва дўсти Абу-л-Хусайн ал-Арузийнинг илтимосига биноан, кўп фанларни ўз ичига олган «Ал-Хикмат ал-Арузий» («Арузий хикмати») асарини яратади. Ибн Сино 20 жилдди «Ал-Ҳосил ва л-маҳсум» («Яқун ва натижа») комусий асари ҳамда 2-жилдди «Китоб ал-бир вал-исм» (Саховат ва жиноят китоби») асарини ёзди.

Қорахонийлар 999 йил Бухорони забт этиб, сомонийлар давлатини ағдарганидан кейин Ибн Сино ҳаётида ташвишли, нотинч ва оғир дамлар бошланди. 1002 йилда унинг отаси вафот этади. Бухорода вазият кескинлашиб, тахт учун кураш 1005 йилгача давом этади. Шу боис Ибн Сино ўз юртини тарк этиб Хоразмга кетади. Бу даврда Хоразм тинч бўлиб, иқтисодий ва маданий жиҳатдан анча ривожланган ўлка эди. Хоразм шоҳлари Али ибн Маъмун (997- 1007) ва Маъмун ибн Маъмун (1007-1017) илм-фанга эътиборли ҳукмдорлар бўлиб, олимларга илмий ижод учун қулай шароит яратиб берган эдилар. Ибн Сино Хоразмда асосан математика ва астрономия билан шуғулланган. Бу соҳада Ибн Ирок ва Беруний билан бўлган илмий мулоқотлар катта аҳамият касб этади. Ибн Сино Абу Саҳл Масиҳийнинг тиббий тажрибаси ва билимларидан ҳам катта сабоқ олади.

Ибн Сино 1010-1011 йилларда Масиҳий билан биргаликда яширинча Хоразмни тарк этади. Шу вақтдан олимнинг саргардонлик йиллари бошланиб, умрининг охиригача ватандан узоқда ҳаёт кечиришга мажбур бўлади.

Масиҳий билан Ибн Сино Журжонга кетади. Лекин йўлдаги қийинчиликлар ва сувсизлик туфайли Масиҳий бетоб бўлиб, вафот этади. Натижада Ибн Сино



азоб-укубатлар чекиб, аввал, Нисо, сўнг Сбивард, Тус, Шикқон ва Хуросоннинг бошка шаҳарларида киска муддат турганидан кейин, ниҳоят Каспий денгизининг жанубий-шарқида жойлашган Журжон амирлигига етиб келади. У Журжонда 2 йил (1012-1014) яшайди ва Абу Убайд Жузжоний билан танишади. Ибн Сино умрининг охиригача Жузжоний билан содиқ дўст бўлиб қолади. Ибн Сино таржимаи ҳолининг ёзиб қолиши ва асарларининг бизгача етиб келишида унинг хизмати катта.

Журжонда яшаган вақтида Ибн Сино мантик, фалсафа ва бошка фанларга оид бир неча рисола ёзади, «Тиб конунлари»нинг дастлабки қисмларини яратади. 1014 йил Ибн Сино Райга кўчади. Лекин у ерда ҳам кўп яшамайди. Ҳамадонга кетади. У ерда хукмдор Шамсуддавлани санчиқ касалидан даволаганидан кейин олимни саройга таклиф қиладилар. У аввал сарой табиби бўлиб ишлайди, сўнг вазирлик мансабига кўтарилади.

Шу ерда «Тиб конунлари»нинг 1-китобини тугатиб, машҳур фалсафий қомуси – «Китоб аш-шифо» ни ҳам шу ерда ёзишга киришади. «Тиб конунлари» нинг қолган қисмини ҳам Ҳамадонда ёзиб битиради.

1023 йил Исфаҳонга жўнаб кетади. Умрининг қолган 14 йилини шу ерда ўтказиши. Бу ерда ҳам у тинимсиз илмий иш билан машғул бўлиб, бир қанча асарлар яратади.

Жузжонийнинг ёзишича, Ибн Сино гарчи, жисмонан жуда бақувват бўлса-да, бироқ шаҳарма-шаҳар дарбадарликда юриш, кеча-кундуз тиним билмай ишлаш ва бир неча бор таъкиб қилиниб, ҳатто ҳибсда ётишлар олимнинг саломатлигига жиддий таъсир этди. У қулонж (қолит) касаллигига чалинади. Алоуддавланин-нинг Ҳамадонга юриши вақтида Ибн Сино қаттиқ

бетоблигига қарамай, у билан бирга сафарга чиқади. Йўлда дарди кўзгаб олимнинг тамомила мадори қурийд ва оқибатда у шу дарддан 57 ёшида вафот этади. Олим Хамадонда дафн этилади.

Буюк ватандошимиз Абу Али ибн Сино ўзининг қисқа умри давомида жаҳон фани ва маданиятида ўчмас из қолдирди.

### **Ибн Синонинг илмий мероси**

Жаҳон фани тарихида Ибн Сино қомусий олим сифатида тан олинган, чунки у ўз давридаги мавжуд фанларнинг қарийб барчаси билан шугулланган ва уларга оид асарлар ёзган. Олим асарларини ўша даврда Яқин ва Ўрта Шарқнинг илмий тили бўлган араб тилида, баъзилари форс тилида ёзган. Турли манбаларда унинг 450 дан ортиқ асар ёзганлиги қайд этилган, лекин бизгача уларнинг 242 таси етиб келган, шулардан 80 таси фалсафага, 43 таси таърихга оид бўлиб, қолганлари математика, психология, астрономия, математика, мусиқа, кимё, ахлоқ, адабиёт ва тилшуносликка бағишланган.

Ибн Синонинг илмий меросини шартли равишда 4 қисмга, яъни фалсафий, табиий, адабий ва тиббий соҳаларга бўлиш мумкин. У фалсафа ва тиббиётга кўпроқ қизиққан. «Авиценна» сифатида Ғарбда машҳур бўлган унинг тиббий мероси, хусусан, «Тиб қонунлари» бўлса, «Шайхс-ар-наис» («Донишмандлар сардори, алломалар бошлиғи») номи асари буюқ файласуфлигига ишоратдир.

Олимнинг фалсафага оид энг йирик ва муҳим асари «Китоб аш-шифо» дир. У 4 қисмдан иборат:

1. Мантик – 9 бўлакка бўлинган:
  - ал-мадҳал – мантикка кириш;

- ал-иборат – интерпретация;
- ал-киёс – силлогизм;
- ал-бурхон – исбот, далил;
- ал-жадал – тортишув, диалектика;
- ас-сафсата – софистика;
- ал-хитоба – риторика;
- аш-шеър – поэтика (шеър санъати);

2. Тиббиёт (бу ерда минераллар, ўсимликлар, хайвонот олами ва инсонлар хакида алоҳида-алоҳида бўлимларда гапирилади).

3. Риёзиёт – 4 фанга бўлинган:

- ҳисоб (арифметика);
- хандаса (геометрия);
- астрономия;
- мусика.

4. Метафизика ёки илоҳиёт.

Бу асар жуда кўп тилларда нашр қилинган.

Ибн Синонинг «Тадбири манзил» рисоласи ҳам «Китоб аш-шифо» асарининг таркибий қисмини ташкил этади. Асар араб тилидан форсийга эронлик олим Муҳаммад Нажмий Занжоний томонидан таржима қилиниб, 1939 йилда Техронда чоп этилган. У икки қисмдан иборат бўлиб, иккинчи қисми таржимоннинг изоҳлари ва батафсил шарҳларидан ташкил топган.

Ибн Синонинг таълим беришича, илм ва ахлокий фазилатлар ўз-ўзидан юзага келмайди. Йўқдан бор бўлмайди, имкониятсизлик тасодифан имкониятга айланмайди. Оллоҳ инсон вужудини, унинг ички оламини зарурий бир тарзда ўз нури ила мунаввар қилади. Натижада илмий ва ахлокий фазилатлар муайян қадриятларга айланиб, яратувчининг қараши сифатида унинг қудрати ва меҳрибонлигидан кишиларга сабоқ

беради, чунки барча мавжуд нарсалар, мўъжизавий ходисалар беҳудага яратилмаган.

Ибн Синонинг фикрича, Тангри инсонга шундай куч инъом этдики, у оркали эзгуликни ёмонликдан, аклий камолот, етукликни ёлғон-яшиқ, адашувдан фарқ эта олиш имкониятини пайдо қилди.

Ақл туфайлигина инсон ҳаёти, кишиларнинг турмуш тарзи ҳайвонларнинг яшаш тарзидан фарқ қилади. Ахлоқий раванқ инсон зотигагина хос жараён-дир, чунки у ақл-тафаккурнинг буюк қувватига таянган ҳолда ҳақиқат билан ёлғоннинг чегарасини аниқлаб қолмасдан, дўстни душмандан ажрата олади.

«Тадбири манзил» рисоласида Ибн Сино инсон табиати азалдан ахлоқий ёки ахлоқсиз бўлмайди, деган ғоянинг муҳимлигини таъкидлайди. Одамлар аслида тайёр шахсий сифат, одат ва кўникмалар билан туғилмайдилар. Бундай хусусиятлар уларнинг ижтимоий ҳаётида секин-аста шахсий ва ўзгалар тажрибаси, ажодлар анъаналари, таълим-тарбия таъсирида шакллана боради.

Болаларнинг тарбиясини барвақт бошлаган маъқул. Тарбия жараёнида уларга яхши ижобий одатларни сингдириб бориш, иштиёқ ва кизикишларини синчковлик билан пайқаб олишга ҳаракат қилиш зарур.

Ибн Сино азалий анъаналарга таянган ҳолда, таълим-тарбияни Қуръони Каримни, диннинг мақсади ва тилнинг грамматик қонун-қоидаларини қунт билан ўргатишдан бошлашни маъқул деб билади. Ўрганилаётган билимларни ёд олиш, хотирада сақлаш ва кези келганда тез-тез такрорлаб туриш таълим ва тарбия жараёнида муҳим ўрин эгаллаб, бола хотирасини мустаҳкамлайди, илмлар чашмасига кириб боришни таъминлайди, тарбияланувчида муайян тартиб-

интизомни шакллантиради, баҳс-мунозара юритиш маданиятини юксаттиради.

Ибн Сино инсонларвар, маърифатпарвар олим сифатида инсон ахлокий равнақининг чексиз имкониятларини эътироф қилади. Лекин унинг рўёбга чиқиши шахс ва жамиятнинг имкониятлари билан боғлиқдир. Кимки ўз камчиликларини ислоҳ қилишни, комил инсон даражасига етишни истаса, ўз характерига ҳос аниқ салбий иллагларни яхши билмоғи зарур бўлади. Бордию, бу талабга амал қилмаса, унинг барча саъй-харакатлари зое кетади, ҳеч қандай натижага эриша олмайди. Оқибатда, сўз ва амал бирлигига путур етади.

Ибн Сино ижтимоий-ахлоқий ва фалсафий фикрлар тарихида биринчилардан бўлиб аёлларнинг бола таълим-тарбиясидаги ўрнини чуқур билган буюк мутафаккирдир. Унинг яна бир фалсафий асари «Китоб ан-нажот», «Китоб аш-шифо» нинг қисқартирилган шакли бўлиб, у ҳам жаҳоннинг бир неча тилларига таржима қилинган.

Ибн Синонинг дунёкараши Аристотель таълимоти ва Флоробий асарлари таъсирида шаклланади. Унинг фикрича, фалсафанинг вазифаси мавжудотни, яъни барча мавжуд нарсаларни, уларнинг келиб чиқиши, тартиби, ўзаро муносабати, имконият, воқелик, сабабият омиллари асосида ҳар томонлама ўрганишдан иборат. Оламда барча нарсалар иккига бўлинади: зарурий вужуд ва имконий вужуд. Зарурий вужуд энг иродали, қудратли, доно Тангридир. Қолган нарсалар имконият тарзида мавжуд бўлиб, Тангридан келиб чиқади, деб асослайди.

Ибн Сино тушунчасида билимларни чуқур ўрганиш орқали худони билиш мумкин деган фикр

ётади. У мавжуд билимларни эгаллаган инсонгина хақиқий мусулмон бўла олади, деб тушунади. Ибн Сино мантиқни илмий билишнинг, мавжудотни ўрганишнинг илмий усули деб билади. «Мантиқ, – деб ёзади Ибн Сино, - инсонга шундай бир коида берадики, бу коида ёрдамида инсон хулоса чиқаришда хатолардан сақланади».

Ибн Сино ўз давридаги табиий фанларнинг ривожига ҳам улкан хисса қўшган олимдир. Унинг табиий-илмий қарашлари «Китоб аш-шифо»нинг табиий фанларга оид қисмида баён қилинган. У вулконлар ва зилзила натижасида тоғларнинг пайдо бўлиши хақидаги ўз фикрларини айтади.

Ибн Сино минералогия соҳасида ҳам салмоқли ишлар қилган. У минералларнинг оригинал классификациясини таклиф этди. Унга кўра барча маъданлар 4 гуруҳга: тошлар, эрийдиган жисмлар (металлар), олтин-гургуртли ёнувчи бирикмалар ва тузларга бўлинади. У бошқа табиий фанлар қатори кимё билан ҳам шуғулланган ва унга оид асарлар ҳам ёзган.

Буюк комусий олим Ибн Сино мусиқа бобида Форобийнинг илмий йўналишини давом эттирган йирик назариётчидир. Унинг мусиқа хақидаги «Жавомей илм ул-мусиқий» («Мусиқа илмига оид тўшам») асари 6 бобдан иборат бўлиб, унда ўз даври мусикасининг барча муаммоларини баён этган.

## Ибн Сино ва табобат

*Ўз вақтида, меъёри билан бадан тарбия қилган одамга гард яқин йўламайди.*

*Ибн Сино*

Ибн Синонинг табобатда қилган ишлари унинг номини бир неча асрларга шу фан соҳаси билан чамбарчас боғлади.

Олимнинг табобат тараққиётидаги буюк хизмати шундаки, у ўзигача ўтган турли халқ намояндалари томонидан асрлар давомида, тиб илми соҳасида тўпланган маълумотларни саралаб, муайян бир тартибга солди ва уларни ўз тажрибалари билан бойитган ҳолда маълум назария ва қонун-қоида асосида умумлаштирди. Унинг «Тиб қонунлари» ва бу асарнинг жаҳон тиб илми тарихида тутган ўрни жуда юқоридир. Ибн Сино антик олимларнинг, хусусан Гиппократ, Гален, Диоскоридларнинг таълимотларини ўрганган ва уларнинг қаламларига таянган. У тиб назариясини, хусусан анатомия - инсон гавдаси тузилишини мукамал билган. Ибн Сино ўткир диагност эди. Унинг баъзи ташхис усуллари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Аъзога уруш орқали диагноз қўйишган.

Табобат тарихида биринчи бўлиб вабо билан ўлатни фарқлаган, юқумли касалликлар билан оғриган беморларни бошқалардан ажратган ҳолда саклашни таъкидлаган.

Беморларни даволашда олим 3 нарсага: тартиб (пархез), дорилар билан даволаш ва турли тиббий тадбирларни қўллаш (қон олиш, банка қўйиш, зулук солиш, ҳукна ва бошқалар)га аҳамият бериш кераклигини айтади.

Ибн Сино касалликни даволашда шахсий гигиена, уйқу ва жисмоний машқларнинг аҳамияти кагталигини уктирган.

Ибн Синонинг машхур асарларидан бири «Тиб конунлари» 5 катта китобдан иборат (1956-62 йилларда Тошкентда рус ва ўзбек тилларда тўла нашр этилган). Уларнинг ҳар бири маълум соҳани изчил ва ҳар томонлама ёритиб беради.

1-китобда тиббиётнинг назарий асослари, унинг предмети ва вазифалари, касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, белгилари ва соғликни сақлаш йўллари, киши анатомияси хақида мазмундор аниқ очерк ва соғликни қандай сақлаш кераклиги хақидаги таълимот баён этилади. Турли юқумли касалликларнинг келиб чиқиши ҳамда тарқалишида ифлосланган сув ва ҳавонинг роли катта эканини уктириб, сувни қайнатиб ёки филтрлаб истеъмол қилишни тавсия этади.

2-китобида 800 га яқин дорининг хусусиятлари, уларни тайёрлаш ва истеъмол қилиш усуллари баён этилган. Ибн Сино симоб ва унинг бирикмаларини дори қилиб ишлатишни биринчи бўлиб тавсия этади, шаробни қувват киритувчи ва жароҳатларни тозаловчи дори сифатида ишлатади.

3-китобида айрим органларнинг (хатто соч, тирноқларнинг) касалликлари ва уларни даволаш усуллари баён этилади. Бу китобда бош мия, асаб, кўз, кулок, бурун, томок, корин, тиш, юрак, меъда, жигар, буйрак касалликлари батафсил таҳлил қилинади.

4-китоби организмнинг умумий касалликларига бағишланган, унда иситмалар, ўсмалар, уларнинг сабаби, хирургик касалликлар ва уларни даволаш усуллари, ҳар хил дорилардан заҳарланиш ва бунда кўриладиган чоралар тўғрисида маълумот берилади.



5-китобида мураккаб дориларнинг организмга таъсири, уларни тайёрлаш ва истеъмол қилиш усуллари баён қилинган. Бу китоб доришунсолик илмига-фармакологияга бағишланган.

Ибн Сино фикрича, тиб илмида назарий билим - лар ва амалиёт ўзаро боғлиқ бўлиши ва бир-бирига асосланмоғи зарур, акс ҳолда у ривож топмайди ва ўз мақсадига эриша олмайди. Тиб илми аввало икки қисмга – назарий ва амалий қисмларга бўлинади.

Ибн Сино доришунослик соҳасида чуқур тадқиқотлар олиб борган. У антик олимларнинг формацияси асосида мусулмон шарқида пайдо бўлган янги формациянинг шаклланишига яқун ясади. Унинг доривор ўсимликларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш усуллари ҳозирда ҳам қўлланилади. Ибн Сино биринчилардан бўлиб кимёвий усулда тайёрланган дориларни ҳам ишлатган. Қасалликнинг турига қараб аввал содда, сўнг мураккаб таркибли дори билан даволаган. Энг муҳими, озиқ-овқатларнинг шифобахш таъсирига қатта аҳамият бериб, даволашни шундай маҳсулотлар (мева, сабзавот, сут, гўшт ва бошқалар)дан бошлаган. Дори тайинлашда беморнинг мижози, ёши, иқлим шароитини ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлаган.

Ибн Синонинг тиббиётга оид ёзган асарларининг 30 дан ортиғи бизгача етиб келган, улар орасида «Тиб қонунлари» каби тиббий энциклопедия билан бир қаторда тиббиётнинг айрим назарий ва амалий масала - ларига бағишланган турли ҳажмдаги «Уржуза физ-т-тибб» («Тиббий уржуза»), «ал-Адвият ал-қалбия» («Юрак дорилари»), «Дафъ ал-мадорр ал-кулмия ан-ал абдан а-инсония» («Инсон баданига етишган барча зарарларни йўқотиш»), «Китоб ал-қулонж» («Қуланж ҳақидаги китоб»), «Макола фи-н-набз» («Томир уриши

хақида мақола»), «Рисола фи-л-боҳ» («Шаҳвоний кувват хақида рисола»), «Рисола фи хифз ас-сахҳа» («Соғлиқни сақлаш хақида рисола»), «Рисола фи-л-фасд» («Қон олиш хақида рисола») каби рисолалар ҳам бор.

Ибн Сино ўзининг бой ва серкирра илмий мероси билан кейинги давр Шарқ ва Ғарб маданиятининг ривожига катта таъсир кўрсатди. Шарқнинг Умар Ҳайём, Абу Убайд Жузжоний, Насриддин Тусий, Фаридуддин Аттор, Низомий Ганжавий, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Улуғбек, Бедил каби мутафаккир ва олимлари ўз асарларида Ибн Сино таълимоти ва илмий ғояларини давом эттирдилар.

Айни вақтда ҳам Ибн Синонинг асарлари дунёнинг турли кутубхоналарида, файласуфлар, шифокорлар, математик ва тилшуносларнинг китоб жавонларида авайлаб сақланмоқда.

Бутун илғор инсоният, хусусан ўзбек халқи, илм-маданият аҳли ақл ва адолат танганаси учун курашган, фан, ҳақиқат йўлида бутун ҳаётини илм-фанга, маданият ва маърифатга бағишлаган ажойиб истеъдод эгаси Ибн Сино билан ғурурланади.

### **Ибн Сино хақида икки ривоят**

#### **Узук воқеаси**

Абу Али ибн Синонинг онаси уни чақалоклигида чўмилтираётганида қимматбаҳо узугини йўқотиб қўйган экан. У узугини кўп кидирибди. Лекин ҳеч қаердан топа олмабди. Кейин уни канизак олган, деб гумон қилиб, бечора канизакни роса калтаклашибди. Канизакни уришаётганда Абу Али йиғлай бошлабди, калтаклашдан тўхташса, чақалок ҳам йиғидан тўхтабди. Ҳамма бундан ажабланиб, узукни йўқолдига чиқаришибди.

Ибн Сино тилга кирганида, биринчи айтган гапи шу бўлибди:

- Сизлар ўша вақтда канизакни ноҳақ урган эдинглар. Онам мени чўмилтираётганда, узуги тоғорага тушиб кетган эди. У тоғорани ағдарганида узук ҳам сув билан бирга кир ўрага тушиб кетган. Менинг тилим чикмаганидан, сизларга айтолмаган эдим. Канизакни урганингларда йиғлаб, тўхтатганларингда йиғидан тўхташимнинг сабаби шу эди. Шундан кейин ўрани кавлашган экан, узук топилибди. Бу воқеани эшитгану билганлар Ибн Сино зехнига қойил қолишган экан.

### «Мен ҳўкизман»

Бухоролик бир киши касал бўлиб, «Мен ҳўкизман, мени сўйинглар» дейдиган бўлиб қолибди.

Касалнинг қариндош-уруғлари буни Абу Али ибн Синога айтишибди. Абу Али касалнинг олдига қассоб бўлиб келибди ва «Қани сўядиган ҳўкизинглар!»-деб бақарибди. Бемор унинг олдига чоғиб бориб, «Сўйиладиган ҳўкиз менман», дебди. Абу Али дарров беморнинг қўл-оёғини боғлатибди, сўнг қўлида пичокни ўйнатиб, беморнинг биқинидан ушлаб қўрибди-да:

-Ҳўкизимиз семиз демабмидиларинг, бу жуда орик-ку, буни мен ҳозир сўймайман, сал семирсин, кейин сўяман, дебди. Бемор бу гапни эшитиб: «Қани менга овқат беринглар, мен семирай» деб овқат талаб қилаверибди.

Абу Али ибн Сино беморнинг оиласига дори қолдириб, уни овқатига қўшиб, беморга беришни уқтирибди. Уйдагилар шундай қилишибди. Натижада бемор ҳадемай тузалиб кетибди. Кейинчалик Абу Али ибн Сино беморнинг уйига келиб:

- Семирган хўкизинглар қани. сўйиб берай, дебди ва соғайган беморга кўзи гушиб:

- Э, анча семирибсан-ку, энди сўйса бўлади, дебди.

Бемор табибнинг гапидан жуда таажжубланибди ва:

Мени сўядиганнинг боши ўнта, тегиб кўрчи, менга, дея дўк урибди.

Йиғилган қариндош-уруғларнинг ҳаммаси аввалги воқеани эслаб хохолаб кулиб юборишибди.

### **«Ибн Сино асарларида илм ва ахлоқ» мавзусида китобхонлар конференциясини ўтказишга услубий ёрдам**

Китобхонлар конференциясини ўтказиш учун тайёргарлик ишлари бир ой олдин бошланади.

Биринчи ўринда кутубхонада эълон ёзилади. Иштирок этувчиларга таклифномалар юборилади. Конференция учун аудитория танланиб, безатилади. Мавзуга қараб адабиётлар қўرғазмаси ташкил қилинади. Конференция давомида китобхонлардан ва иштирокчилардан маърузалар юзасидан саволлар ва фикр-мулоҳазалар, билдиришлар сўралиши мумкин.

Конференцияга педагоглар, ибнсиношунослар, тарихчилар ва таъбабат ходимларини таклиф қилиш мумкин. Булардан ташқари Ибн Синонинг илм ва ахлоққа оид рисоаларидан парчалар ўқиш ҳам мумкин.

Мавзуга қараб китоб қўрғазмаси ташкил қилинади. Китоб қўрғазмасидаги адабиётлар юзасидан обзор ўтказиш мумкин. Конференция бошланмасдан олдин мавзу ҳақида китобхонлар билан суҳбатлар ўтказилади, шунингдек улардан конференция вақтида

фаол иштирок этишлари, мавзу ҳақида ўз мулоҳазаларини билдиришлари сўралади.

Мавзу муҳокамаси учун саволлар.

1. Ибн Синонинг «Тадбири манзил» рисоласи ҳақида гапиринг?

2. Ибн Сино ўзининг қайси рисоаларида бола тарбияси ҳақида кенгрок ёзган?

3. Ибн Сино илм ва ахлокий фазилатлар ҳақида нима деган?

4. Ибн Синонинг «Тадбири манзил» рисоласини араб тилидан форсийга ким таржима қилган?

5. Ибн Синонинг илм ва ахлоқ ҳақидаги рисоаларини санаб беринг?

6. Ибн Сино ўғитларини биласизми?

### **«Ибн Сино ва таълим» мавзусида билимдонлар беллашувини ташкил қилишга таълимчилар**

Беллашувни ўтказишдан мақсад китобхонларни таълимнинг отаси Абу Али ибн Сино ижоди билан таълимчилик, таълимда яратган асарлари ва таълимчиларини ўқиш, ўрганиш ҳамда ҳаётга татбиқ этишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади, гуруҳ 6 ёки 8 та китобхонлардан ташкил топади. Беллашув ташкилотчилари билимдонларга бериладиган саволларни тузиб чиқади. Кутубхонада тузилган саволларга доир адабиётлар мавжуд бўлиши керак. Танлов қатнашчилари тайёрланиш жараёнида улардан фойдаланишлари мумкин.

Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан бир-нечтасини келтирамиз.

1. Ибн Сино «Тиб конунлари» асарининг дастлабки қисмини қаерда ёзган?

(Ибн Сино «Тиб конунлари»нинг дастлабки қисмларини 1012-1014 йилларда Журжонда ёзган).

2. Ибн Синонинг «Тиб конунлари» асари нечта китобдан иборат?

(«Тиб конунлари» асари 5 китобдан иборат).

3. Ибн Сино табобатга оид неча асар яратган?

(Ибн Сино табобатга оид 43 та асар яратган).

4. Ибн Синонинг қайси асарида оддий дориларнинг хусусиятлари ва уларни тайёрлаш бўйича маълумотлар берилган?

(«Тиб конунлари» асарининг 2-китобида оддий дорилар ва уларни тайёрлаш ҳақида ёзилган).

5. Ибн Сино қайси рисоласида юрак ҳақида ёзган?

(Абу Али ибн Сино ўзининг «ал-Азвият ал-қалбия» яъни «Юрак дорилари» рисоласида юрак хасталиклари ва уларни даволаш учун дорилар ҳақидаги фикрларни баён этган).

6. Ибн Сино беморларни даволашда нималарга эътибор берган?

(Табиб Ибн Сино беморларни даволашда 3 нарсага эътибор берган: 1. Пархез. 2. Дорилар билан даволаш. 3. Турли тиббий тadbирларни қўллаш (кон олиш, банка қўйиш, зулук солиш).

7. Ибн Сино жаҳон тиб илмидан қайси олимларнинг таълимотларини ўрганган?

(Жаҳон тиббиётида машхур антик давр олимлари Гипократ, Гален, Диоскоридларнинг таълимотларини Ибн Сино ўрганган ва уларнинг қарашларига таянган ҳолда иш олиб борган).

8. «Тиб қонунлари»нинг 5-китоби нима ҳақида ёзилган?

(Ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари»нинг 5-китобида мураккаб дориларнинг организмга таъсири, уларни тайёрлаш ва истеъмол қилиш ҳақида маълумотларни баён қилган).

9. «Тиб қонунлари»нинг 3-китоби ҳақида гапириб беринг.

(Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари 5 китобдан иборат бўлиб, унинг 3-китобида айрим органларнинг касалликлари ва уларни даволаш усуллари баён қилинган).

10. Ибн Сино неча ёшдан габиблик қила бошлаган?

(Ибн Сино 16-17 ёшдан бошлаб табиблик қила бошлаган).

### **«Абу Али ибн Сино қомусий олим» номли китоб кўргазмасини ташкил этиш**

Ушбу мавзудаги кўргазма Ибн Сино ижоди ва фаолиятига бағишлаб кутубхоналардан ташқарида ўтказилаётган конференция, давра суҳбатлари, учрашувларда ва кутубхонада ташкил қилиниши мумкин.

Кўргазма қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

#### **1. Ибн Синонинг таржиман ҳоли**

Неча кун яшаб бу жаҳонда саломат,  
Қилиб хоки бирла шамолига тоқат.

Ибн Сино

Бу бўлимга Ибн Синонинг ота-онаси, болалик йиллари ва устозлари хақидаги адабиётлар қўйилади.

## **2. Ибн Синонинг фалсафий қарашлари**

Адаб, ила инсон иззат топади,  
Обрўю, шарафу хизмат топади.  
Адаб соҳиби-ла сўзлашган одам,  
Рухига дармону лаззат тонади.

Ибн Сино

Бу бўлимга Ибн Синонинг фалсафий рисоалари ва фалсафий фикрларини акс эттирувчи адабиётлар қўйилади.

## **3. Ибн Сино машҳур табиб**

Тиб шундай бир илмки, у билан одам гавдасининг аҳволи, соғлиқ ва хасталик жиҳатлари ўрганилиб, унинг мавжуд соғлиги сақланади ва йўқотилгани тикланади.

Ибн Сино

Бу бўлимга Ибн Синонинг тиббиёт соҳасида қилган назарий ва амалий ишлари хақидаги материаллар қўйилади.



## **Қуйида кутубхоналар ўтказиши мумкин бўлган тадбирларни ҳавола этамиз**

### **Давра суҳбати**

1. «Ибн Синонинг фалсафий қарашлари».
2. «Ибн Сино қомусий олим».
3. «Ибн Синонинг тиббий илмий қарашлари».
4. «Ибн Сино йирик ҳаким».
5. Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари ҳақида.

### **Мавзули кеча**

1. «Ибн Сино ва инсон саломатлиги».
2. «Ибн Синонинг «Тадбири манзил» асарида илм ва ахлоқ»
3. «Ибн Сино ва мусиқа».
4. «Ибн Синонинг болалик йиллари».

### **Савол-жавоб кечаси**

1. «Абу Али ибн Синони биласизми?».
2. «Ибн Синонинг илмий мероси».
3. «Ибн Сино буюк математик».

### **Адабиётлар кўргазмаси**

1. Абу Али ибн Сино қомусий олим.
2. Ибн Сино тиббиётнинг отаси
3. Ибн Сино ва экология.
4. Ибн Синонинг ҳаёт йўли.
5. Ибн Сино моҳир табиб.
6. Ибн Сино ва жаҳон маданияти.

## Абу Али ибн Сино хаёгининг солномаси

- 980** - Бухоро якинидаги Афшона деган жойда Абу Али Хусайн ибн Абдуллоҳ дунёга келди.
- 985** - Уларнинг оиласи Афшонадан Бухорога кўчиб ўтди.
- 985-995** - Хусайн ибн Абдуллоҳ Бухородаги Маҳмуд Массох, Исмоил аз Зоҳидий, Абу Абдуллоҳ Нотилий, Ал-Кумрий каби улуғ олимлардан таълим олади.
- 995-1005** - Абу Али Хусайн ибн Абдуллоҳ Бухоронинг улуғ олим ва табибларидан бири бўлиб танилди. Бухоро амирининг оғир касалини даволашда иштирок этиб, унинг эвазига амир кутубхонасида мутолаа этмоққа рухсат олади. Ўзининг дастлабки илмий асарларини яратди. Хоразмлик улуғ олим Абу Райхон Беруний (973 - 1048) билан ёзишмалар олиб боради.
- 1005** - Абу Али ибн Сино Бухородан Хоразм пойтахти Гурганжга келиб бу ердаги олимлар даврасида хизмат қилади. Асарлар ёзади. «Тиб конунлари», «Аш-шифо» асарларининг дастлабки материалларини ҳам шунда йиға бошлади.
- 1012-1014** - Абу Али ибн Сино Ғазна подшохи Султон Ғазнавий таъкибидан кочиб Абу Саҳл Масиҳий билан бирга Хоразмдан чикиб кетди. Улар Эрон сари

жўнадилар. Йўлда Масахий вафот этди. Абу Али ибн Сино Нисо, Обивард, Шиккон, Саманкон, Жожурли деган жойларда тентираб юрди. Сўнг Журжонга келди. Ундан Дехистонга ўтди. Сўнг яна Журжонга кайтди. Бу ерда унга Абу Убайд ал - Жузжоний келиб учради. Шундан сўнг устоз Абу Али ибн Сино ва шогирд Абу Убайд Жузжоний ҳамиша бирга бўлдилар.

- 1014** - Абу Али ибн Сино Рай шахрига келади. Бу ерда табиблик билан шуғулланади, илмий ишларини давом эттиради.
- 1016** - Султон Махмуд Ғазнавийнинг таъкибидан кочиб Абу Али ибн Сино Райдан Козвин орқали Ҳамадонга ўтади. Бу ерда амир Шамсуддавланинг вазири бўлиб хизмат килади. Сўнг харбийларнинг иғвоси билан фаражон қалъасига ҳибс этилади. Бу ерда Абу Али ибн Сино «Алҳидоя» («Бағишлов»), «Ҳай ибн Якзон» («Уйғокнинг ўгли Тирик»), куланж касали тўғрисидаги «Китоб ул Куланж» асарларини ёзади. «Юрак дорилари» китобини ёза бошлади.
- 1025** - Абу Али ибн Сино Ҳамадондан Исфахонга ўтди. Бу ерда умрининг охиригача яшади. «Тиб қонунлари», «Аш шифо», каби шох асарларини тугаллади. «Китоб ул Алойи» асарини ёзди.
- 1037** - Абу Али ибн Сино Исфахон амири Алоуддавла билан Ҳамадон сафарида бирга бўлди. Шу сафар давомида эски

касали кўзгаб колди ва вафот этди. Абу Али ибн Синони Ҳамадон шаҳрининг ғарб томонида кўрғон деворининг ёнида дафн этдилар.

### Адабиётлар

Ибн Сино. Тиб қонунлари: Сайланма. Уч жилдлик. Ж.1-3 //Тузувчилар: У.Каримов, Ҳ.Ҳикматуллаев. - Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 1993.-

Ж.1.-304 б.

Ж.2. -304 б.

Ж.3. -320 б.

Абу Али ибн Сино. Зийнат /Нашрга тайёрловчи Музаффар Мирзо. - Т.: Чўлпон, 1992. - 63 б.

Абу Али ибн Сино (980-1027) //Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар) /Масъул муҳаррир М.М.Хайруллаев. - Тўлд. қайта нашр. - Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 1999. - Б. 86 - 93.

Абу Али ибн Сино. Сизгирлик кувватида катта одамга тенг: [Ҳикматлар] //Мактабгача тарбия. - 1992. - № 1. - Б. 31 - 32.

Абу Али ибн Сино. Тиббий ўғитлари //Тузувчилар: У.И.Каримов, С.У.Каримова. - Т.: Мехнат, 1991. -192 б.

Абу Али ибн Сино. Фирузнома: (Парчалар) //Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. - 1998. - № 4. - Б.137-138.

Абу Али ибн Сино ўғитлари //Қишлоқ ҳаёти. - 1997. - 22 авг.

Ибн Сино Абу Али. Қўркамлик сири (Зийнат китоби)/ Тўпловчи, нашрга тайёрловчи Ҳ.Ҳикматуллаев. – Т.: Фан,1994. – 94 б.

Ибн Сино Абу Али. Тиббий рисодалар: Бир томлик /Нашрга тайёрловчилар:У.И.Каримов. Ҳ. Ҳикматуллаев. –Т.: Фан, 1987. – 321 б.

Ибн Сино Абу Али. Фалсафий қиссалар /Нашрга тайёрловчи ва тарж. А.Ирисов. – Т.:Ўзадабийнашр. 1963. – 48 б.

Ибн Сино Абу Али. Шеърлар ва тиббий дoston /Тузувчи А. Ирисов. – Т.: Ўзбекистон,1981. – 127 б.

Ибн Сино сабоғи: Мерос //Сихат-саломатлик.-1995.-№ 2.-Б.11-12.

Ибн Сино. Уржуза ёки 1326 байт тиббий ўғит. -Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 1999. -160 б.

Ибн Сино //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. Зебунисо-Кониғил /Тахрир хайъати: М.Аминов, Т.Даминов, Т.Долимов ва бошқ. - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2002. - Б. 53 - 58.

Аждодлар мероси ва авлодлар маънавияти //Қишлоқ ҳаёти. - 2000. - 23 май.

Бахриддинов А., Эгамов Б. Ибн Сино башорати //Қишлоқ ҳаёти. -1999. - 16 июль.

Бебаҳо асар: [Абу Али ибн Синонинг «Тибб конунлари» асари хусусида] //Ишонч. - 2000. - 15 авг.

Белгияда Ибн Синога хайкал қўйилди // Ишонч. - 2000. - 21 июль.

Ёкубов О. Кўхна дунё: Роман. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 336 б.

Бердиев Ю. «Халқаро Ибн Сино ўқишлари» //Соғлом авлод. - 2000. - 21-27 сент. - Б.3.

Жўраев Б. Ибн Сино ижодида машиналар яратиш ғояси // Халқ таълими. – 1996. - № 2. – Б.100 – 106.

Жўраев Р., Жўраев Б. Ибн Синодан ўрганди //Фан ва турмуш. - 1996. - №1. - Б. 7- 8.

Имомхўжаева О. Улуғ файласуф ва мантикшунос //Гулистон. - 1996. - № 1. - Б. 50 - 52.

Иргашев Ш. Буюк мерос //Халқ сўзи. - 2000. - 21 сент.

Иргашев Ш., Арзуметов Ю. Ибн Сино – машхур доришунос //Ибн Сино - Аvicenna. - 2003. - № 1 - 2. - Б. 33 - 38.

Ирисов А. Шифокор бурчи... //Ozbekiston. - 1998. - № 1 - 2. – Б. 25.

Ирисов А. Ҳаким ибн Сино ҳаёти ва ижоди /Масъул муҳаррир М.М.Хайруллаев. - Т.: Ўзбекистон, 1992. - 102 б.

Машарипова Г. Аниқ фанларда ҳам сардор: [Абу Али ибн Сино ҳақида] //Фан ва турмуш. - 2000. - № 2. -Б. 8 - 9.

Машарипова Г. Даҳо кудратининг таянчи //Жамият ва бошқарув. - 2000. - № 1. –Б. 77 – 79.

Мўмин Пўлат. Ибн шифо улашар даво //Тошкент окшоми. - 2000. - 29 нояб.

Назаров С. Буюк ҳаким Исмоил Журжонийнинг Ибн Синога муносабати – Шарк тиббиётида ворислик тимсоли //Ибн Сино - Аvicenna. - 2001. - № 1 - 2. - Б. 48 – 49.

Носиров Р. Ибн Синонинг «Тадбири манзил» асарида илм ва ахлоқ //Мозийдан садо. - 2000. - № 1 - 2. - Б. 36 -39.

Носиров Р. Илм нури ва куввати //Соғлом авлод.- 2000. – 21 - 27 сент. - Б. 3.

Носиров Р. Улуғ ҳаким ўғити //Тафаккур. - 2000. - № 3. - Б. 88 - 91.

Отабоев Ш., Турсунов Э. Абу Али ибн Сино ва экология //Ибн Сино Avicenna. - 2003. - № 1 - 2. - Б. 23 - 25.

Раззоков А. Ибн Сино талқинида иқтисод //Ишонч. - 1999. - 9 янв.

Савуров М. Қомусий олим ва файласуф //Сихат-саломатлик. - 2003. - № 4. - Б. 18 -19.

Салимова М. Ибн Сино об-ҳаво ва саломатлик хусусида //Қалб кўзи. - 2001 февр. - № 7 - 8. - Б. 5 - 2.

Сирканинг хосиятлари: [Ибн Сино таъбири] //Marifat. - 2000. - 5 авг.

Улуғларга бешик бўлган юрт //Қишлоқ ҳаёти. - 2000. - 20 июль.

Усмонов Т. Аждодларимизнинг бекиёс кашфиётлари: Форобий ва Ибн Сино тебраниш ва товуш талқинлари ҳақида //Маърифат. - 2000. - 9 сент. ; 1 окт.

Шаропов Ж. Муҳаммад алайҳиссалом ва Ибн Сино: Шарқ табобати // Ёзувчи. - 2000. - 8 апр.

Яҳё Сайид. «Хазинта-ул ҳикмат» киссаи Ибн Сино //(Масъул муҳаррир Б.Ҳасанов). - Т.: Ёзувчи, 1993. - 96 б.

Кобулниёзова Г. Эзгуликка интилиш – ҳаёт ва жон моҳияти // Маърифат. - 2003. - 4 янв.

Қодиров А. Абу Али ибн Сино – унинг тиббий фикрлари ва табиблик фаолияти. - Т. : Фан, 1996. - 63 б.

Ҳасаний Маҳмуд. Ибн Сино ҳақида қасида //Тошкент окшоми. - 2001. - 19 сент.

Ҳомидий Ҳамиджон. Кўхна Шарқ дарғалари: Бадиий–илмий лавҳалар. - Т.: Шарқ, 1999. – 352 б.

Босишга рухсат этилди 10.05.2004 йил  
Бичими 1,75 нашр. т.300 нусха. Буюртма №153

---

Тошкент, Х.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий  
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
босмахонасида чоп этилди





